
Ўзбекистон туманида болалар тиббий кўриқдан ўтказилди
Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази мутахассислари томонидан
Ўзбекистон туманида “Д” назоратидаги болаларга малакали тиббий ёрдам
ташкил этилди.

Бу хақда Фарғона вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси матбуот хизмати хабар
бермоқда.

Невропатолог, кардиоревматолог, аллерголог, пульмонолог ҳамда
педиатрлардан ташкил топган мутахассислар тумандаги 74-сонли оиласий
поликлиникада, шунингдек, “Д” назоратида турган ва мутахассислар ёрдамига
муҳтож бўлган 88 нафар ёш bemorларга малакали тиббий ёрдам кўrsатдилар.

Кўрилган болаларнинг 2 нафарини вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт
марказида стационар даволанишга, қолганларига амбулатор тавсиялар берилди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-05-24 10:26:00